2016 ЙИЛ 14 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 259 (13.322)

Баҳоси эркин нархда

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтган сайловда Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат арбобларидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан самимий табриклайман. Буюк Британия ҳукумати ва шахсан мен мамлакатларимиз ўртасидаги яқин ҳамкорликни давом эттириш ва муносабатларни янада яхшилашни сабрсизлик билан кутиб қоламиз. Сизга ва Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг яхши истакларимни йўллайман.

Елизавета II,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари!

Сизни 2016 йил 4 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Буюк Британия ҳукумати сўнгги ойларда Сиз бошлаб берган ислоҳотларга асосланган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар янада мустаҳкамланишига ишонади. Сиз билан ҳамкорликда Афғонистон ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттиришга тайёрмиз.

Сизга ва Ўзбекистон халқига энг яхши тилакларимни йўллайман.

Ҳурмат билан,

Тереза МЭЙ,
Буюк Британия Бош вазири

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Швейцария Федерал Кенгаши номидан Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан чин дилдан табриклайман. Сизга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда улкан муваффақиятлар, мамлакатингизга фаровонлик ва иқтисодий тараққиёт тилайман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар келажакда янада мустаҳкамланишига ишонаман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Йоханн ШНАЙДЕР-АММАНН,
Швейцария Конфедерацияси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз билан самимий табриклайман.

Словакия Республикаси Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлашдан манфаатдор.

Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда ўзининг тинч, демократик ва фаровон келажаги йўлида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришни давом эттиришига ишонаман.

Эҳтиром билан,

Андрей КИСКА,
Словакия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сизни яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонганингиз билан чин дилдан табриклайман.

Мўғулистон ва Ўзбекистон ўртасида халқларимиз манфаати учун дўстлик муносабатларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Сиз, Жаноби Олийлари билан ҳамкорлик қилиш менга ғоят мамнуният бағишлайди.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, омад, Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Юксак эҳтиром билан,

Цахиагийн ЭЛБЭГДОРЖ,
Мўғулистон Президенти

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти муҳтарам Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сиз, Жаноби Олийларини Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз ва Ўзбекистон халқи Сизга юксак ишонч билдирияти ва халқи бундан буён ҳам мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида барча соҳаларда ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан манфаатдор.

Оллоҳдан Сизни ҳимоя қилишини сўраймиз. Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан чин дилдан табриклайман. Америка Қўшма Штатлари бундан буён ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги 25 йиллик дўстликни мустаҳкамлаш, ўзаро муносабатларнинг барча соҳалари бўйича ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантириш тарафдори. Ўзбекистон суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини қўллаб-қувватлашимизни таъкидлашни истардим.

Сизнинг Ўзбекистонда сиёсий ўзгаришлар вақтида Президент вазифасини бажарувчи сифатида амалга оширган ишларингизни қадрлайман. Сиз бошлаган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, иқтисодиёт соҳаси ва инсон манфаатларини таъминлаш борасида белгиланган йўналишларни давом эттириб, улкан муваффақиятларга эришишингизга ишонаман.

Америка халқи номидан Ўзбекистон халқига самимий табриклар йўллайман ва Ўзбекистонга тинчлик, фаровонлик тилайман.

Президент этиб сайланганингиз билан яна бир бор самимий табриклайман ва эзгу тилакларимни йўллайман.

Самимият билан,

Жон КЕРРИ,
Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби

Шунингдек, қуйидагилар ўз қутловларини йўллаган:

Япониянинг собиқ Бош вазири, Токио – 2020 ёзги Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси президенти – **Йоширо Мори**

ОДКБ Бош котиби – **Николай Бордюжа**

Бельгия сенатори – **Алан Дестекс**

Франциядан Европарламент депутати – **Жан-Люк Шаффаузер**

Россия Давлат Думаси депутати – **Артур Таймазов**

Россия мусулмонлари марказий диний идораси раиси, бош муфтий – **Шайх-ул-ислом Талгат Сафа Тожиддин**

Кавказ мусулмонлари идораси раиси, МДҲ Динлараро кенгаш ҳамраиси – **Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода**

Европа пойтахтлари университетлари ассоциацияси президенти – профессор **Лучиано Сасо**

Бухоро яҳудийлари жаҳон конгресси президенти – **Лев Леваев**

Европа менежмент ва технологиялар мактаби президенти – **Йорг Рохолл**

Германия иқтисодиёти шарқий қўмитаси бошқаруви раиси – **Вольфганг Бюхеле**

"Кнауф" компанияси ҳаммуассиси – **Николаус Кнауф**

"Лемкен" компанияси ижрочи директори – **Антони ван дер Лей**

Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши аъзоси, "Класс" компанияси мустақил консультанти – **Удо Фёлькер**

Германия – Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ижрочи директори, "Дойче Кабель Тошкент" қўшма корхонаси инвестори – **Фальк Порше**

"КДБ Банк Ўзбекистон" Ўзбекистон – Корея банки бошқаруви раиси – **Ким Ин Жу**

Қутловлар келиши давом этмоқда.

УКРАИНА ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев билан Украина Президенти Пётр Порошенко ўртасида Украина томонининг ташаббуси билан 2016 йил 13 декабрь куни телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.

Украина Президенти Шавкат Мирзиёевни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклади.

Президентлар турли соҳаларда Ўзбекистон билан Украина муносабатларининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиб, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро долзарб масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Украина ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни, аввало, савдо-иқтисодий соҳадаги алоқаларни кенгайтириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишга, бунда икки давлатнинг мавжуд имкониятларини тўла ишга солишга келишиб олдилар.

Пётр Порошенко Шавкат Мирзиёевни ўзига қулай вақтда Украинага ташриф билан келишни таклиф этди.

ЎзА

ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши мустаҳкамланган.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур тамойилга асосланган сиёсати Ўзбекистонда тинчлик, миллатлар ва фуқароларо тотувликнинг бош омили бўлди.

"Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзуида ўтказилган сўров ҳам буни яққол тасдиқлади. Унда иштирок этган турли миллат вакиллари жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва фуқароларо ҳамжиҳатлик мустақиллигимизнинг энг катта бойлиги ва ютуғи эканини таъкидлади.

Барча инсонларга ғамхўрлик кўрсатишга қаратилган давлат ижтимоий сиёсати, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги барқарорлик, шунингдек, ўзбек халқининг бағрикенглиги, юксак ахлоқий фазилатлари, хайрихоҳлиги жамиятимиздаги миллатлар ва фуқароларо тотувлик асосини ташкил этади.

Сўров иштирокчиларининг аксарияти (89,5 фоизи) Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланади ва уни ўз Ватани деб билади. Бу аҳолида ватанпарварлик туйғуси йилдан йилга кучайиб бораётганидан далолат беради. Барча ёш ва миллат вакилларининг Ўзбекистон фуқароси эканидан мамнунлиги диққатга сазовордир.

Ижтимоий тадқиқотда юртдошларимиз (98,5 фоизи) миллати ва динидан қатъи назар, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилаётганини тасдиқлаган. Сўров иштирокчилари Ўзбекистонда миллатлараро келишмовчилик йўқлигини, фуқаролар ҳуқуқлари камситилмаётганини таъкидлаган.

Сўров натижасига кўра, аҳоли мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳолатни барқарор, деб ҳисоблайди, жамиятимиздаги тинчлик ва фуқаролар тотувлигини қўллаб-қувватлайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг миграцион кайфияти ҳам Ўзбекистонда барқарор ижтимоий-сиёсий барқарорлик ҳукм сураётганини тасдиқлайди. Фуқаролар (99,1 фоизи) доимий яшаш учун Ўзбекистондан бошқа давлатларга кетишни истамайди ва "дунёда Ўзбекистондан яхши мамлакат йўқ", деб ҳисоблайди.

Юртимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқимиз анъана ва урф-одатларини асраб-авайлаш, тарихий меросимизни қайта тиклаш, жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш, халқаро терроризмга чек қўйиш бугунги кунда тараққиётимизнинг муҳим масаласи ҳисобланади.

Сўров натижалари далолат беришича, мамлакатимиз аҳолиси келажакда ҳам миллатлараро муносабатлар барқарорлиги сақланиб қолишига ишонади. Негаки, Ўзбекистоннинг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг тинчликпарвар сиёсатини давом эттирмоқда, мамлакатимизда тинчлик ва хотиржамликни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва бирдамликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда.

"Ижтимоий фикр" маркази материаллари асосида ЎзА мухбири Н.МАНЗУРОВА тайёрлади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



2016 йилнинг 13 декабрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси очилди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, бошқа ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Сенаторлар ўз ишини **Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисидаги** масалани кўриб чиқишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари макроиқтисодий мувозанатни ва барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолиш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Хусусан, ялпи ички маҳсулотнинг 7,8 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,2 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,6 фоизга ўсиши тахмин қилинмоқда.

Мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳужжатида асосий эътибор чуқур таркибий ислоҳотларга ва муҳандислик, йўл-транспорт ҳамда ижтимоий инфраструктурани ривожлантиришга, шунингдек, минтақаларнинг даромад базасини ошириш орқали бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган фаол инвестициявий сиёсат олиб боришга қаратилган.

Солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари иқтисодиётга тушадиган солиқ юкини ялпи ички маҳсулотга нисбатан жорий йилдаги 20,2 фоиздан 18,9 фоизга камайтиришни, солиқ маъмурчилигининг шаффофлигини таъминлаш орқали уни яхшилашни, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни назарда тутади.

Солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида асосий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг (фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшимча қиймат солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи, ягона ижтимоий тўловнинг) ставкаларини сақлаб қолиш таклиф этилмоқда.

Бунда мамлакат бюджет сиёсатининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унда бюджет ташкилотлари ходимлари ойлик иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар миқдорларини инфляция даражасидан ортиқ даражада ошириш орқали аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини янада ошириш назарда тутилади, бу эса аҳолининг харид қилиш имкониятларини оширишга кўмаклашади. 2017 йилги ижтимоий харажатлар давлат бюджети барча харажатларининг 59,7 фоизини ташкил этади.

2017 йилда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган харажатлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,2 фоиз миқдорида бўлиши тахмин қилинмоқда. Шу тариқа у жорий йилга нисбатан 19,5 фоизга ошади, бу эса кейинчалик бюджетнинг даромад базаси ошишини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сирдарёда мактабгача таълим муассасаларида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ўртасида "Спорт – саломатлик гарови" шиори остида спорт мусобақаси ўтказилди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижроси доирасида вилоят хотин-қизлар қўмитаси, таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 200 га яқин иштирокчи спортнинг волейбол, шахмат-шашка турлари бўйича ўзаро баҳслашди.

• Бухорода замонавий "Grand Emir Residence" меҳмонхонаси иш бошлади. "Authentic travel" сайёҳлик корхонаси қурувчилари томонидан бунёд этилган икки қаватли ушбу меҳмонхона 16 хонадан иборат бўлиб, оилавий мижозлар учун қулай.

• Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошидаги 1-академик лицейда Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча ўтказилди. Лицейнинг тиллар кафедраси томонидан ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, адабиёт ихлосмандлари, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Халқаро бобслей ва скелетон федерацияси қарори билан допинг билан боғлиқ можаролар туфайли Сочида 2017 йилда бобслей ва скелетон бўйича жаҳон чемпионати ўтказилмайдиган бўлди.

• Индонезиянинг Ачех музофотида кучли зилзила рўй берди – 6,4 магнитудали ер қимирлашидан сўнг 300 дан ортиқ зилзилалар қайд этилди. Натижада ўн мингдан ортиқ бино, шу жумладан, турар жойлар, мактаблар ва дўконлар вайрон бўлди, 102 киши ҳаётдан кўз юмди, 750 дан ортиғи жароҳат олди. Қутқарувчиларнинг тахминича, вайроналар остида яна одамлар бўлиши мумкин. Шу боис қидирув ишлари етти кун давом этади ва бунда махсус техника воситаларидан фойдаланилади.

• Кеча бир вақтнинг ўзида Бразилиянинг 20 та йирик шаҳарларида мамлакатда жорий этилаётган янги иқтисодий сиёсатга қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ САККИЗИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Сенаторларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари параметрлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига, иқтисодиётни янада модернизациялаш ва диверсификациялаш ҳамда халқ фаровонлигини босқичма-босқич ошириш бўйича стратегик мақсадларга мос келади. Сенаторлар 2017 йилги бюджетномани қабул қилиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилдилар.

Шундан сўнг сенаторлар **"Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг мақсади 2017 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ижро этиш самарадорлигини таъминлашдан, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг устуворликларини инобатга олган ҳолда қонун ҳужжатлари нормаларини ҳукуматнинг Бюджетномасига мувофиқлаштиришдан иборат.

Қонун билан Солиқ кодексига ва бошқа қонунларга айрим тузатишлар киритилмоқда. Ушбу тузатишлар 2017 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг тасдиқланган концепцияларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга, қонун ҳужжатларининг айрим нормаларини уларга мувофиқлаштиришга ва уларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлашга қаратилган. Сенаторлар таъкидлаганларидек, мазкур чора-тадбирлар тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги ҳуқуқни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга ҳам қаратилган. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра сенаторлар **2017 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини** кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Таъкидланганидек, Дастурда саноатда (131,1 минг), хизматлар соҳасида (69,5 минг), қишлоқ хўжалигида (55,8 минг), қурилишда ва инфратузилма лойиҳаларида (88,9 минг), шунингдек, бўш турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига (44 минг) янги иш ўринлари ташкил этиш орқали 389,3 минг кишини доимий иш ўринлари билан таъминлаш назарда тутилмоқда. Якка тартибдаги тадбиркорлик соҳасида 97,7 минг иш ўрни яратилади. Қишлоқ хўжалигида ва қурилишда йилига ўртача 199,1 минг киши мавсумий ҳамда вақтинчалик иш ўринлари билан таъминланади.

Бундан ташқари, аҳолининг ўзини иш билан таъминлашини рағбатлантириш ҳисобига 308,6 минг фуқарода, шу жумладан, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида 272,7 минг кишида, ҳунармандчиликда ва оилавий тадбиркорликда 35,9 минг кишида даромад манбалари пайдо бўлади.

Дастурда демографик омилларни ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг самарали шаклларини ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурлар билан боғлиқ бўлган меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари назарда тутилган. Дастурни ишлаб чиқишда меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф баҳоланди. Бунда барча туманлар ва шаҳарлар учун 2017 йилда иш билан таъминлашга бўлган эҳтиёж, унинг тузилиши белгилаб олинди, харажатлар аниқланди, тасдиқланган дастурлар доирасида, шу жумладан, кичик саноат зоналарини яратиш жараёнида иш ўринларини ташкил этиш ҳисобига бандлик йўналишлари алоҳида белгилаб олинди.

Дастурда 2017 йилда камида 508,8 минг нафарни ташкил этадиган ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мажлис чоғида таъкидланганидек, коллеж ва лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар кесимида махсус тадбирлар ишлаб чиқилади. Уларни амалга оширишда манфаатдор вазирликлар ва идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ҳокимликлар, корхоналар ҳамда ташкилотлар иштирок этади.

Сенаторлар қайд этганларидек, Аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси ҳамда туман ва шаҳарлар кесимида меҳнат бозоридаги вазият ва аҳоли бандлиги мониторинги натижалари 2017 йилда Олий Мажлис палаталарининг, Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида, вазирликлар ва идораларнинг махсус кенгашларида мунтазам кўриб борилади ҳамда уларнинг натижалари бўйича барча даражадаги ҳокимликларга ва хўжалик бошқаруви органларига Дастур рўёбга чиқарилишини таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар кўриш учун таклифлар ҳамда топшириқлар юборилади. Дастур ижро этилиши устидан тизимли парламент назорати ўрнатилади.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган **"Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар.

Таъкидланганидек, ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни ҳар томонлама тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг намоён бўлишига йўл қўймаслик, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг барча шаклларига нисбатан муросасиз муносабатни қарор топтиришга қаратилган.

Ҳуқуқий ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари мустаҳкамланган, ваколатли органлар тизими келтирилмоқда, ушбу соҳада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг иштирок этиши механизмлари белгиланмоқда ҳамда очиб берилмоқда, шунингдек, халқаро ҳамкорликнинг аҳамияти акс эттирилмоқда.

Коррупцияга қарши курашувчи субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида қонунда Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика ва ҳудудий идоралараро комиссияларни ташкил этиш ҳамда унинг таркибига жамоат бирлашмаларининг вакилларини, тадбиркорларни ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларини киритиш назарда тутилмоқда.



Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусий мулкни ғайриқонуний тажовузлардан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ҳимоялашга қаратилган. Сенаторларнинг фикрича, қонуннинг қабул қилиниши ишчанлик фаолиятини ва мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, шунингдек, фуқаролар ҳуқуқларини ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Сенаторлар **"Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад қонун ҳужжатларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этган шахслар томонидан маъмурий қамоқни ўташ принциплари ва тартибини мустаҳкамлаб қўйишдан иборат. Қонунда маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, шунингдек, уларда бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилмоқда.

Маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш, жойлаштириш ва сақлаш, уларни моддий-маиший ва тиббий таъминлаш тартиби белгиланмоқда. Махсус қабулхона маъмурияти ва ходимларининг асосий ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари, маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш учун сарфланадиган харажатларни ундириш ва уларни меҳнатга жалб қилиш тартиби белгилаб қўйилмоқда. Шу билан бирга, қонунда маъмурий қамоққа олинган шахсларни рағбатлантириш ва уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, махсус қабулхона ходимларининг қонуний талабларига қаршилик кўрсатилганда, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилганда уларга нисбатан жисмоний куч ишлатиш ва махсус воситаларни қўллаш шартлари назарда тутилмоқда.

Сенаторлар қайд этганларидек, қонуннинг қабул қилиниши қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлашга, маъмурий қамоқни ўташда қонун ҳужжатлари талабларини ижро этишнинг ягона амалиётини таъминлашга, ушбу соҳада ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ва мазкур органлар ходимларининг жавобгарлигини оширишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан қабул қилинди.

Сенаторлар **"Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"**ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Сенаторлар 1992 йил 8 январь куни "Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қабул қилинганлигини қайд этдилар. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда прокуратура органлари томонидан қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ҳамда давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида катта ишлар амалга оширилган.

8 январни – Прокуратура органлари ходимлари куни деб белгилаш уларнинг мақомини, прокуратура органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга, уларни ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга рағбатлантиришга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги** масалани кўриб чиқдилар.

Жаҳон миқёсида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва илгари суриш борасидаги ташқи сиёсий фаолиятни амалга ошириш масалаларида парламент ролини янада кучайтириш, халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, мамлакат минтақаларига хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш, туризмни ривожлантириш, жаҳон майдонида мамлакатимиз нуфузини ошириш, шунингдек, ушбу соҳада парламент назоратини кучайтириш мақсадида сенаторлар томонидан Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари лавозимини жорий этиш, унинг зиммасига ушбу соҳадаги фаолиятнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этиш, дастурлар ва иш режалари ижро этилишини назорат қилиш вазифаларини юклаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси этиб қайта ташкил этилди.

Хусусан, халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар ва туризм соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг, дастурлар ва режаларнинг марказда ва жойларда рўёбга чиқарилиши устидан мунтазам парламент назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонун ҳужжатларига татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини илгари суриш каби вазифалар мазкур қўмитанинг зиммасига юклатилди.

Ушбу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Сенат аъзолари С.Сафоевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари этиб сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Тегишли қарор қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги ва "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунларга мувофиқ **аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек, саноат хавфсизлиги ва радиациявий хавфсизлик соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижроси тўғрисида** "Саноатгеоконтехназорат" давлат инспекцияси бошлиғи Б.Гулямовга юборилган парламент сўровига берилган жавобни кўриб чиқдилар ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Х.Мирзахидовга **"Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши тўғрисида** парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Қувайт Давлатидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси лавозимига тайинлаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчисини лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенат ялпи мажлиси давомида демократик янгиланишларни, бозор ислоҳотларини босқичма-босқич чуқурлаштиришга, давлат бошқаруви соҳасида парламент ҳамда жамоат назоратини кучайтиришга қаратилган 15 та масала, шу жумладан, 5 та қонун кўриб чиқилди. Сенатнинг саккизинчи ялпи мажлисида қабул қилинган қарорлар фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг ишончли кафолатларини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш, мамлакатда барқарорлик ҳамда фаровонликни мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлиши таъкидланди.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

ШВЕЙЦАРИЯДА ЖАМҒАРМА ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасида Женева дипломатик доиралари Президенти Роберт Блум билан Швейцарияда фонд ваколатхонасини очиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада юксалтириш имконини бермоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бу ишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жамғарма кўмагида тадбиркорларимиз ўз маҳсулот ва хизматларини экспорт қилиб, турли халқаро ярмарка ва анжуманларда иштирок этмоқда.

Мамлакатимиз Биринчи Президентининг 2016 йил 16 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори жамғарма фаолиятини янада кенгайтириш имконини берди. Хусусан, жамғармага хорижда ўз ваколатхоналарини очиш ҳуқуқи берилди. Бугунги кунда ушбу йўналишда самарали ишлар олиб борилаётир.

Жамғарманинг Швейцарияда ташкил этилаётган ваколатхонаси Ўзбекистон тадбиркорларига Европа бозорини ўрганиш асосида ўз маҳсулотларини экспорт қилиш, ишончли ҳамкорлар топиш, Ўзбекистон ва Швейцария ишбилармон доиралари ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатимиз тадбиркорларининг Швейцарияда ўтказиладиган кўргазмалар, ярмаркалар, тендер савдолари ва бизнес-форумларда иштирокини ташкил этишга кўмаклашади.

Бундан ташқари, ваколатхона мамлакатимиз экспортчиларига Швейцарияда божхона тартиб-таомилларидан ўтиши учун зарур сертификатлар, лицензия ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни олишга ёрдам беради.

Қайд этиш жоизки, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Жанубий Корея, Россия, Испания, Италия, Болгария каби мамлакатларда ўз ваколатхоналарини очган.

С.АЛИЖОНОВА,
ЎзА мухбири

ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР ДОИМО ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда инсон шаъни, қадр-қиммати, унинг ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларига олий қадрият сифатида қаралади. Давлатимиз томонидан фуқароларнинг яшаш тарзини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар буни яққол кўрсатиб турибди.

Кўп минг йиллик тарихимиздан бизга яхши маълумки, миллатимиз кечиримли, адашганларга тўғри йўл кўрсатадиган, уларни ўз ҳаёт йўлини топиб олишларида кўмаклашадиган, барчага бирдек меҳр кўрсатувчи, бағрикенг халқдир. Бугун бу тамойиллар миллий қонунчилигимизда ўз ифодасини топмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 12 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори ҳам билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганларнинг ҳаётда тўғри йўлни топиб олишлари учун берилган бир имкониятдир.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш жараёнида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида озодликка чиқарилган фуқароларнинг ижтимоий ҳаётга мослашуви ва бандлигини таъминлаш, соғлиғини назорат қилиш учун тиббий кўрикдан ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Тошкент шаҳрида бу борадаги ишларнинг қай тартибда олиб борилаётганлигини таҳлил қилиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида тадбир ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар суди, ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари ҳамда туман ички ишлар бошқармалари ходимлари иштирок этди.

– Амнистия тўғрисидаги қарор юртимизда инсон шаъни ва қадр-қиммати нечоғлик юқори эканидан далолат беради, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, майор Муроджон Умаров. – Бу қарор асосида нафақат адашиб жиноят содир этган шахсларнинг гуноҳидан ўтилмоқда, балки уларнинг кейинги ҳаёт йўлини тўғри танлашларига ҳам кўмаклашилмоқда. Жойларда ходимларимиз озодликка чиққанлар билан суҳбатлар ўтказиб, уларга зарурий маслаҳатларни бериб бормоқдалар. Шунингдек, уларга зарур ҳолларда фуқаролик паспортларини расмийлаштириш, иш билан таъминланиши ва тиббий ёрдамга муҳтож бўлганларга соғлиғини тиклашлари учун ёрдам кўрсатмоқдалар.

Тадбир доирасида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб қайтарилди.

Абдуалим САЛИМОВ

ҚОНУН ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ САМАРАДОРЛИГИ ЙЎЛИДА

Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда турли соҳаларда эришиб келинаётган марралар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, бунда албатта, ушбу бунёдкорлик ишларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосга эгалиги ва замон руҳига мос равишда такомиллашиб бораётганига иқрор бўламиз. Мазкур ислоҳотларнинг самарасини мамлакатда қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган чоралар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Жаҳон мамлакатлари тажрибасидан маълумки, ҳар қайси ҳуқуқий давлат ўз сиёсатини амалга оширишда қонун устуворлиги принципининг сўзсиз риоя этилишини таъминлашга интилади. Чунки айнан ушбу тамойилнинг ўрнатилиши орқали ҳам давлат органларида, ҳам фуқароларда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишга нисбатан масъулият ортади. Қабул қилинган қонунлар жамиятнинг барча иштирокчилари томонидан бир хилда ва тўлиқ ижро этилишига эришилади. Пировардида ислоҳотларнинг узвийлиги, самарадорлиги тўлиқ таъминланади.

Яқинда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан ҳам бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишга, унинг узвийлигини таъминлашга хизмат қилади.

Хусусан, унда "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига қўшимча ва "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақидаги нормалар ҳам акс эттирилган.

Мазкур нормаларнинг мазмун-моҳияти қонунларни ўз вақтида ижрочиларга етказиш, аҳолининг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардорлигини оширишга қаратилганлигида намоён бўлади. Шу билан бирга мазкур вазифа юзасидан масъул бўлган мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш масаласи ҳам бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга.

Қонун билан www.lex.uz сайтида жойлашган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эълон қилинишининг расмий манбаси сифатида белгилаш масаласи акс эттирилган. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига расмий манба мақомини бериш ижрочилар ва аҳолига қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар матни билан тезкор ва ишончли равишда он-лайн режимида танишиш имконини беради.

Зеро, ушбу вазифанинг бажарилиши шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги замонда фуқароларнинг қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти билан ўз вақтида танишишлари, энг аввало, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан хабардорлигини оширади, шу билан бирга, қонун билан белгиланган ҳуқуқларидан самарали фойдаланишларига имкон яратиб, мамлакат равнақига дахлдорлик ҳиссини кучайтиради.

Хорижий мамлакатларнинг мазкур соҳадаги тажрибасида ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босма ва электрон кўринишда расман эълон қилиш – бир хил юридик кучга эга.

Қонунда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги нормалар ҳам ўз ифодасини топган.

Киритилган нормалар амалдаги қонун ҳужжатларини Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуни нормаларига мувофиқлаштиришга йўналтирилган бўлиб, хусусан қуйидагиларни назарда тутади.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий қонунларнинг 18-моддаларида "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддаси биринчи қисмидан келиб чиқадиган тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўмиталарининг ваколатлари белгиланиб, унга кўра Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталари ўз иш режаларига мувофиқ, ҳукумат аъзолари-нинг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш масалаларини қўяди, вақти-вақти билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини жойларга чиқиб ўрганади, шунингдек, янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида"ги Қонунларга ҳам Ўзбекистон Республикасининг "Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуни нормалари асосида бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган бўлиб, жумладан сиёсий партиялар фракциялари (депутатлик гуруҳлари) ва Қонунчилик палатаси қўмиталарининг Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш бўйича ваколатлари кенгайтирилди ҳамда қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш тартибига ўхшаш тарзда Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқиш тартиби очиб берилди. Сиёсий партиялар фракцияларига Қонунчилик палатаси ва Сенат қўмиталарининг Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш бўйича ваколатлари кенгайтирилгани, шунингдек, палаталар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини кўриб чиқиш якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорда акс этадиган таклифлар аниқлаштирилгани олий давлат ҳокимият вакиллик органи томонидан парламент назорати институти механизмларини самарали қўллашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Қонун билан "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимча киритиш ҳақидаги норма ҳам ўз ифодасини топган. Мазкур нормаларнинг қонунчиликка киритилишининг моҳияти суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида суд экспертиза хулосалари муҳим ўрин тутишидан келиб чиқади. Шу нуқтаи назардан, уни тайёрловчи мутахассисларнинг малакасини ҳам ҳуқуқий, ҳам бугунги кунда шиддат билан ривожланиб бораётган фан ва технологиялар ютуқлари асосида ошириб бориш долзарб аҳамият касб этади.

Амалдаги қонун ҳужжатларида ҳуқуқий ва махсус масалаларни қамраб олган суд экспертларини даврий равишда малакасини ошириб боришнинг ягона тизими назарда тутилмаган эди, натижада суд экспертизасини ўтказадиган турли давлат муассасалари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ушбу фаолиятни амалга ошириб келмоқда эдилар. Ушбу ҳолат техника ва технологияларнинг ривожланиш суръати билан боғлиқлигини инобатга олиб таъкидлаш жоизки, касбий ва ҳуқуқий билимларни доимий ривожлантириб бориш талаб қилинади.

Хорижий мамлакатлар қонунчилигини ўрганиш ушбу мамлакатларда ҳуқуқий ва махсус масалалар бўйича таълим дастурига мувофиқ суд экспертларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ягона тизими мавжудлигини кўрсатади. Бу ўз навбатида ушбу соҳада малакали кадрларни тайёрлашнинг ягона ёндашувини таъминлайди.

Юқоридаги омиллар атрофлича таҳлил этилиб, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган ўзгартиш ва қўшимча процессуал ҳаракатлар иштирокчиси сифатида суд ишини юритишда далил бўла оладиган хулосаларни берадиган суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини даврий равишда ошириб боришнинг ягона тизимини жорий этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Хулоса сифатида таъкидлаш лозимки, "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун аҳоли ва ижрочиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксалишига, амалдаги қонунларнинг қанчалик даражада самара бераётганлигини таҳлил этишга, пировардида, мамлакатда қонун устуворлигининг ижросини таъминлаш самарадорлигини янада оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Мухтабар ҲУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 6 январь куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига 24.08.2016 йилдаги № 26776/6-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 2004 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақам белгиси 01 D 032 UA, кулранг носоз "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 25 868 235 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: "Феруза барака сервис" МЧЖ жарима майдончаси.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 5 январь куни соат 18.00да тўхтатилади.

2017 йил 20 январь куни соат 11.00да ЖИБ Бектемир туман судининг 27.11.2013 йилги ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туман СИБ ижро иш юритувидаги қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 1987 й/и/ч, д/р/белгиси 01635WBA, (пушти рангли) "Камаз-5511" (ўзи ағдарувчи) русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 22 306 323 сўм 01 тийин.

2. д/р/белгиси 01863QCA, ҳаворанг, "ГАЗ-52" юк (бортли) русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 552 633 сўм 83 тийин.

3. 1989 й/и/ч, д/р/белгиси 01049SBA, сариқ рангли, "МАЗ-5334 КС-35772" (автокран) русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 22 254 204 сўм 08 тийин.

4. 1982 й/и/ч, давлат рақамисиз "Кран ГУС МТТ-16" Бошланғич баҳоси – 17 036 555 сўм 64 тийин.

5. 1985 й/и/ч, д/р/белгиси 85-65 ЕР бўлган "Трактор К-700" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 34 639 866 сўм 91 тийин.

6. 1988 й/и/ч, давлат рақамисиз "Экскаватор ЭКГ 5А" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 123 364 080 сўм 35 тийин.

7. 1968 й/и/ч, давлат рақамисиз "Экскаватор ЭКГ 4,6 Б" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 80 614 151 сўм 76 тийин.

8. 1989 й/и/ч, д/р/белгиси 95-73ЕЦ бўлган "Бульдозер Т-130 М" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 695 780 сўм 94 тийин.

9. 1990 /и/ч, давлат рақамисиз "Бульдозер Т-130" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 195 235 сўм 60 тийин.

10. 2009 й/и/ч, д/р белгиси 95-82 ЕЦ "Бульдозер Т-11.01Я1Б-1" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 109 928 388 сўм 77 тийин.

11. 1987 й/и/ч, д/р/белгиси 06-73 ЯД, "Экскаватор ЭО-2621" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 11 942 034 сўм 09 тийин.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент вилояти, Бектемир тумани, "Нерудник" МЧЖ.

ЖИБ Тошкент ш. Юнусобод судининг 21.08.2013 йил, №403/13-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 1980 й/и/ч, д/р/белгиси 10742ТАА, ҳаворанг, "Газ-53А" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 984 416 сўм 53 тийин.

2. 1989 й/и/ч, д/р/белгиси 10743ТАА, ҳаворанг, "Газ-5312" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 1 648 194 сўм 53 тийин.

3. 1980 й/и/ч, д/р/белгиси 10744ТАА, ҳаворанг, "Газ 53А" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 6 385 524 сўм 18 тийин.

4. 1977-й/и/ч, д/р/белгиси 5116ЕР, Трактор "МТЗ-50" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 5 363 956 сўм 19 тийин.

5. 1984 й/и/ч, д/р/белгиси 0820ЕР, гусеницали трактор "Т-4АЛ-2" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 172 300 сўм 84 тийин.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қатортол қ.ф.й.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 19 январь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897790-95-95.**

Гувоҳнома 5477

/ РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР /РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР /

"Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали нархлар ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 6 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 42-уйда ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Юнусобод ЖИБС 24.03.2014-йил 1-12/14 даги ҳукми асосида берилган ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулклар такроран аукцион савдосига қўйилмоқда.

1. 1943 й/и/ч, д/р белгиси 01 043 МАА, қора рангли, "Крайслер" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 381 121 сўм.

2. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 906 DAA, совиньон рангли, "ЛАДА11184-114-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 19 750 500 сўм.

3. 1999 й/и/ч, д/р белгиси 01 905 DAA, оқ рангли, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 16 176 600 сўм.

4. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 275 EAA, т/в юк (фургон), оқ рангли "АГБСПГГА3330200-1414-21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 37 620 000 сўм.

5. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 920 DAA, боровица рангли, "ВАЗ11183-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 19 280 250 сўм.

6. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 921 DAA, боровица рангли, "ЛАДА-11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 19 750 500 сўм.

7. 2006 й/и/ч, д/р белгиси 01 922 DAA, қизил рангли, "ЛАДА-11193-110-20" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 339 750 сўм.

8. 2008 й/и/ч, д/р белгиси 01 908 DAA, слива металлик рангли, "ЛАДА11174-110-30" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси –18 810 000 сўм.

9. 2006 й/и/ч, д/р белгиси 01 911 DAA, металлик рангли, "ВАЗ-21104" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 810 000 сўм.

10. 1956 й/и/ч, д/р белгиси 01 056 ТАА, қора рангли, "ЗИМ-12" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 12 953 288 сўм.

11. 1969 й/и/ч, д/р белгиси 01 069 ТАА, қора рангли, "Опель Адмирал" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 7 935 970 сўм.

12. 1941 й/и/ч, д/р белгиси 01 041 МАА, кулранг "ГОНОМАК" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 9 129 028 сўм.

Автомототранспорт воситаси сақланаётган жой: "Auto Plaza Service" МЧЖ, Шайхонтоҳур тумани, Лайлитўғон кўчаси, 1.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2017 йил 5 январь куни соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

– жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома тақдим қилиниши лозим.

Савдога қўйилган мулклар билан СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "Kim oshdi savdo servis" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004959643001 АТИБ Ипотека банк Тинчлик филиали МФО 00580, ИНН 302221689. www.koss.uz. **Телефонлар: 0371 276-42-62; +99897790-95-95.**

Гувоҳнома 5477

МАГИСТРАЛ ГАЗ ҚУВУРЛАРИНИНГ МУҲОФАЗА ЗОНАСИДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ ТЎҒРИСИДА



"Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси Тошкент Магистрал газ қувурлари бошқармаси огоҳлантиради:

Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ҳудудида шаҳарлар, аҳоли ва саноат корхоналарини табиий газ билан таъминловчи юқори босимли магистрал газ қувурлари ўтганлигини эслатиб ўтади.

Магистрал газ қувурларининг хавфсиз ишлашини таъминлаш ва қувурларнинг шикастланишига (қувурларнинг қандай ўтказилишидан қатъий назар) йўл қўймаслик учун "Магистрал қувурларни ҳимоя қоидаси"га ва Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 69-моддасига асосан **муҳофаза зонаси** ўрнатилган. Бунда:

– қувур трассаси бўйлаб қурилиш ишлари учун хавфсизлик ер участкаси кўринишида, қувурлар диаметрига мос ҳолда қувур ўқининг ҳар икки томонига **100 метрдан 350 метргача** масофада шартли чизиқлар билан чегараланган бўлади;

– қишлоқ хўжалиги ишларини олиб бориш учун тааллуқли ерларда ҳимоя майдони қувур ўқининг ҳар икки томонига **25 метр** масофада ўтадиган бўлиб, шартли чизиқлар билан чегараланади;

– компрессор ва газ тақсимлаш станция иншоотлари чегараларида ҳар томонга **100 метр** масофада шартли чизиқлар билан чегараланган ер участкаси кўринишида бўлади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасига кирувчи ер участкалари ердан фойдаланувчилардан олиб қўйилмайди ва улардан "Магистрал газ қувурларини муҳофаза қилиш" қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қишлоқ хўжалиги ёки бошқа турдаги ишлар олиб бориш учун фойдаланилади.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қишлоқ хўжалиги ишлари, экиш ва йиғиш кампанияси бошланиши олдидан, Тошкент МГКБга олдиндан маълум қилган ҳолда олиб борилиши лозим.

Қувурларнинг муҳофаза зонасида қувурлардан бир меъёрда фойдаланишга халақит берувчи ёки уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишлар ТАҚИҚЛАНАДИ, жумладан:

– ҳар қандай қурилиш ишларини олиб бориш ва иншоотларни тиклаш;

– ҳар хил турдаги дарахт ва бута ўсимликларини экиш, емхашак, озуқа, ўғит ва материалларни тўплаш, пичан ғамлаш, от боғлайдиган қозиқларни жойлаштириш, чорвани сақлаш, балиқ етиштириш учун участкаларни ажратиш, балиқ ҳамда бошқа сувда ўсувчи ва юрувчи ҳайвонларни етиштириш, жониворлар сув ичидаги сувлоқларни қуриш, музни ёриш ва тайёрлаш ишларини амалга ошириш;

– қувур трассаси устидан ўтиш ва кесиб ўтиш иншоотларини қуриш, трактор ва механизмлар учун жойларни қуриш, жамоа боғлари ва полизларни жойлаштириш;

– турли хил қурилиш, монтаж, портлатиш ва тоғ ишларини амалга ошириш, тупроқни (грунтни) режалаштириш;

– ернинг мелиорацияси ишларини амалга ошириш, суғориш ва қуритиш тармоқларини қуриш;

– НУҚ ва назорат ўлчов пунктлари, сигнал берувчи ва огоҳлантирувчи белгиларни бузиш, жойларни ўзгартириш;

– катод ҳимояси станцияси, алоқа воситалари, қувур энергия таъминоти ва телемеханикасини ёқиш ва ўчириш;

– турли хил ахлат тўпламларини пайдо қилиш, ишқорлар, тузлар ва кислота эритмаларини тўкиш;

– қувурларни бузилишлардан сақлаш ҳамда ён-атрофни ва яқин жойлашган ҳудудни, транспортировка қилинадиган маҳсулотни авария натижасида тўкилишдан сақловчи, ер остки ва сувни ўтказувчи иншоотларни, қирғоқларни мустаҳкам тутувчи қурилмаларни бузиш;

– олов ёқиш ёки шунга ўхшаш очиқ ёки ёпиқ олов манбаларни уюштириш.

Ўз хавфсизлигингизга огоҳ бўлинг!

Магистрал қувурларнинг ҳимоя қоидаларининг бузилишига айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар, Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг "Магистрал қувурлар ҳимояси қоидаларини бузиш" ҳақидаги 150-моддасига асосан жавобгарликка тортиладилар.

Магистрал газ қувурларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар манзиллари:

- "Ўзтрансгаз" АК, 100031, Тошкент ш. Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 31-а уй.
- Тошкент МГКБ, 100160, Тошкент ш. Сергели тумани, С.Олим кўчаси, 22-уй.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 18 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур СИБ томонидан 07.04.2016 йилдаги № 2-186/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган 1968 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 N 521 АА бўлган "ГАЗ 21" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 17 707 095 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати 2017 йил 18 январь кунидаги аукцион савдоси учун 2017 йил 16 январь соат 16:00. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" АТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. www.agb.uz. Телефон: (371) 233-61-44, (95) 146-61-44.

Гувоҳнома 004593.

Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

"TOShShAHARNUR" давлат унитар корхонасининг диспетчерлик хизмати Тошкент шаҳри кўча чироқларининг узлуксиз ишлаши тўғрисидаги мурожаатларингизни қабул қилади

Мурожаат учун
Телефон: 230-20-20, 232-20-20
Telegram: +99895 196-20-20
e-mail: nur.2016@mail.uz http://tashgorsvet.uz/questions

Таклифларингизни қуйидаги телефон рақамлари орқали беришингиз мумкин:
250-57-57, 250-71-96, 250-43-08, 250-44-71, 250-77-12

"TOShShAHARNUR" ДУК маъмурияти

Спорт янгиликлари



ФИФА РЎЙХАТИГА КИРИТИЛДИ

ФИФА рўйхатига тушган ҳакамларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Буни ФИФА томонидан эълон қилинган 2017 йили футбол, футзал ҳамда пляж футболи бўйича ўтказиладиган халқаро турнирларда қатнашадиган ҳакамлар рўйхати ҳам яққол исботлаб турибди.

Келгуси йили футбол бўйича халқаро турнирларда ФИФА референлари — Равшан Эрматов, Валентин Коваленко, Ильгиз Танташев, Шерзод Қосимов, Азиз Алимов, Дмитрий Пислегин, Аҳрор Рисқуллаев, лайсменлар — Абдуҳамидуллоҳ Расулов, Жаҳонгир Саидов, Маъмур Саидқосимов, Ҳусниддин Шодмонов, Руслан Серазетдинов, Андрей Цапенко, Алишер Усмонов, Темур Гайнуллин, Санжар Шоюсупов, футзал бўйича референлар — Анатолий Рубаков, Умид Пўлатов, Искандар Зоитов, Жамолиддин Қосимов, пляж футболи бўйича референ — Бахтиёр Намозов, аёллар футболи бўйича референлар ва лайнсменлар — Зилола Раҳматова, Кристина Середа иштирок этишади.

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ОСИЁДА ЎНИНЧИ ЎРИНДА

ФИФА ташаббуси билан пляж футболи бўйича терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон терма жамоамиз 47-поғонага лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 46-ўринни эгаллаган терма жамоамиз бу сафар бир поғона пастга шўнғиди. Аммо, қитъа миқёсида терма жамоамиз ҳамон 10-ўринни банд этиб турибди. ОФК рейтингини пешқадам сифатида Эрон терма жамоаси бошқараётган бўлса, ундан кейинги ўринларни Япония ва Уммон термалари эгаллашган.

Умумий рейтингни Португалия терма жамоаси биринчи ўринда бўлса, фахрли 2, 3-ўринларга Россия ва Бразилия терма жамоалари лойиқ кўрилган.

Жорий йилги Ўзбекистон Кубоги соҳиблиги "Локомотив" жамоасига насиб этганидан сўнг мамлакатимиз клубларининг Осиё чемпионлар лигаси турнири саралаш босқичидаги рақиблари маълум бўлди.

ҚУРЪА НАТИЖАСИДАН СЎНГ МАЪЛУМ БЎЛАДИ

Энди "Бунёдкор" мамлакатимизнинг иккинчи рақамли жамоаси сифатида Осиё чемпионлар лигаси турнири учун курашни учинчи саралаш босқичидан Қатарнинг "Ал-Жаиш" клубига қарши 2017 йил 7 февралда сафардаги ўйин билан бошлайди. "Насаф" эса ОЧЛ турнирида қатнашиш учун иккинчи саралаш босқичида 31 январда Баҳрайннинг "Ал-Ҳидд" командасини Қаршидаги стадионда енгишига тўғри келади. Агар "Насаф" баҳрайнлик чарм тўп усталари тўсиғидан ўта олса, 7 январь куни Саудия Арабистонида "Ал-Фотиҳ" жамоасига қарши майдонга тушади. Ўзбекистоннинг амалдаги чемпиони "Локомотив" Осиё чемпионлар лигаси турнирини тўғридан-тўғри гуруҳ босқичидан бошлайди. Темирйўлчиларнинг рақиблари 12 декабрда ташланадиган қуръа жараёнидан сўнг маълум бўлади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Малайзияда шахмат бўйича "8th Penang Heritage City International Chess Open – 2016" халқаро турнири ўзбекистонлик шахмат устасининг ишончли ғалабаси билан якунланди.

ШАХМАТЧИМИЗ МАЛАЙЗИЯДА ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Ушбу мусобақада ўн бир мамлакатдан юз нафарга яқин шахмат устаси ғолиблик учун куч синашди. Турнирда юртимиз шарафини гроссмейстер Тоҳир Воҳидов, Темур Қўйбоқаров, Набижон Норбоев, Бахтиёр Жумаев ва Далер Воҳидов ҳимоя қилди.

Турнир давомида ҳамюртимиз Темур Қўйбоқаров мағлубиятсиз ўйнаб, тўққиз имкониятдан саккиз очко жамғарди ва мусобақа ғолиби бўлди. Темур кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган сўнгги партияда филиппинлик гроссмейстер Буенавентура Вилламайорни таслим қилди.

Қолган шахматчиларимиздан гроссмейстер Тоҳир Воҳидов олти, Далер Воҳидов беш ярим, Набижон Норбоев беш, Бахтиёр Жумаев тўрт ярим очко жамғарди.

ИМКОНИЯТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

Халқаро бокс ассоциацияси (AIBA) йилнинг энг яхши боксчисини аниқлаш учун ўтказилган сўровнома натижаларини эълон қилди.

Унга кўра уч нафар номзод боксчи орасида Бразилия олимпиадаси ғолиби, ҳамюртимиз — Ҳасанбой Дўсматов барча тўпланган овозларнинг 77 фоизини қўлга киритган ҳолда "Йилнинг энг яхши боксчиси" совринига лойиқ деб топилди.

Агар Халқаро бокс ассоциацияси "Йилнинг энг яхши боксчиси"ни аниқлаш учун қўшимча сўровнома ўтказмаса, нуфузли соврин жорий йилнинг 20 декабрь куни тантанали равишда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устасига топширилади.

Ботир ХЎЖАЕВ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг 25 йиллиги муносабати билан тизимдаги барча ташкилотларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда.

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЁН ЭТИШДИ

Ана шундай тадбирлардан бири Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги Ўқув спорт техника клубларида фаолият юритувчи ишчи-ходимлар ўртасида спортнинг ўқ отиш тури бўйича мусобақа ўтказилди.

Тадбир қатнашчилари ўзларининг бор маҳоратларини намойиш этиб, ўз туманларининг шарафини ҳимоя қилиш учун астойдил ҳаракат қилишди. Куч ва абжирликни, шу билан бир қаторда ўта зийракликни ҳам талаб этган мусобақада жамоалар ўртасида 1-ўринни "Ватанпарвар" ташкилоти "Юнусобод ЎСТК" унитар корхонаси эгаллади. 2-ўрин "Ватанпарвар" ташкилоти "Миробод ЎСТК" унитар корхонасига насиб этди. "Ватанпарвар" ташкилоти "Сергели ЎСТК" унитар корхонаси эса 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, мусобақада аёллар ва эркаклар ўртасида ҳам ғолиблар аниқланди.

Мусобақа ғолибларига эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

Тадбирлар

САЛОМАТЛИК – ТУМАН БОЙЛИК

Олмазор туманида жойлашган 298-мактабда Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти томонидан "Мен ОИВ инфекцияси профилактикаси тарафдориман" шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда 14-оилавий поликлиника шифокорлари, ОИТСга қарши курашиш маркази ходимлари ҳамда 298-мактаб ўқитувчи ва юқори синф ўқувчилари иштирок этди.

– Мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда, – дейди Олмазор туманидаги 14-оилавий поликлиниканинг тарғибот ва ташвиқот ишлари бўйича масъул Феруза Эгамбердиева. – Ёшларимиз тиббий кўрикдан ўтиб туриш кераклиги ва бўлажак келин-куёвлар сил, тери-таносил, ОИВ инфекциясига текширилиб туришлари зарурдир.

Ўз вақтида тиббий кўрикдан ўтиш вужудга келаётган касалликларни барвақт аниқлаш ҳамда унинг олдини олиш имкониятини беради. Зотан соғлом турмуш тарзи инсон саломатлигини яхшилаш ва муҳофаза қилишга қаратилган фаол ҳаракатдир.

Тадбирда иштирок этган ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларига мутахассислар томонидан атрофлича жавоб олди.

Бу каби тадбир Сергели туманида жойлашган Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги академик лицейда ҳам бўлиб ўтди.

Зафар НАЗАРОВ

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Фуқаро Шодибек Сатторов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) муқаддам бир қатор жиноятларни содир этиб, жазо олган бўлишига қарамай ўзига тегишли хулоса чиқариб олмади.

У пойтахтдаги мебелларни таъмирловчи хусусий фирмада иш бошқарувчи вазифасида фаолият юритар эди. Шодибек мижозларни жалб қилиш мақсадида реклама эълонларни кучайтирди. Натижада унга мурожаат қилувчилар кўпайди. Ана шундай кунларнинг бирида Шодибек мижозларнинг ишончига кириб, уларни чув тушириш ишларини бошлаб юборди.

2015 йил август ойларининг бирида унга қўнғироқ қилган Икром Чўлиев билан Учтепа тумани 12-мавзеда жойлашган "Шаҳрисабз табака" ресторани ёнида учрашиб, ортопедик матрасларни сотиш бўйича келишувга эришди. Ҳар бирининг баҳоси 20 АҚШ долларидан бўлган 39 дона ортопедик матрасларни тайёрлаб бериш эвазига 2 минг 230 АҚШ доллари пулни И. Чўлиевдан олиб, пулларни ўз эҳтиёжи йўлида ишлатиб юборди.

Бундан ташқари Шодибек Сатторов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, хавфли рецидивист бўлгани ҳолда такроран ўзганинг мулкини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш мақсадида 2015 йил 29 октябрь куни Чилонзор 12-даҳада жойлашган цехда фуқаро Қодиржон Хўжаевга ётоқхона мебели, шкаф каби жиҳозларни ўн кунда таъмирлаб бераман деб алдаб, 2 млн. 200 минг сўм пулни олиб, мижозга 77-сонли квитанция ёзиб беради. Бу пулларни ўз эҳтиёжига ишлатиб юборади.

2015 йил 19 ноябрь куни соат 18.00ларда Ш. Сатторов фуқаро Шаҳноза Бердиевани мурожаати бўйича у яшаётган Миробод туманидаги хонадонга келиб, бир дона диван, икки дона кресло, бир дона стулни 20 кун ичида янгилаб беришни айтиб, Ш. Бердиевага жами 3 млн. 450 минг сўмлик зарар етказади.

2015 йил 3 декабрь куни фуқаро Саида Адҳамовани ҳам ошхона жиҳозларини 10 кунда тайёрлаб беришни ваъда қилиб, 1 млн. 220 минг сўм пулини олиб, воқеа жойидан яширинади. Айтилган муддатда буюртмани бажармайди.

Бундан ташқари Шодибек Сатторов 2016 йилнинг 17 январь куни фуқаро Ноиба Мирқосимованинг мурожаати бўйича Олмазор туманидаги уйига бориб, эски жиҳозларни таъмирлаб беришини айтиб, 650 минг сўм пулини олиб кетади. Н. Мирқосимовага 2 млн. 350 минг сўм моддий зарар етказади. Чилонзорлик Г. Юсупованинг ишончига кириб, пулларини олиб кетиб, унга 6 млн. сўмдан ортиқ моддий зарар етказади.

Шодибек Сатторовнинг фирибгарлигидан тоқати тоқ бўлган фуқаролар бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади.

"Учар фирибгар"нинг жиноий қилмишлари жиноят ишлари бўйича Учтепа тумани очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Судланувчининг айби келтирилган далиллар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан ўз исботини топди. Суд Шодибек Сатторовга 5 йилу 7 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Ҳасанбой ПАРПИЕВ,
Учтепа тумани прокурори ёрдамчиси

Диққат, танлов!

"2016 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ИЖТИМОИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИҲАСИ" ТАНЛОВИ ТЎҒРИСИДА

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларни фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, жумладан, аёллар ва ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалаларни ечишга йўналтирилган лойиҳалар, давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги самарали ижтимоий шерикликни аниқлаш, ННТларнинг бу борадаги фаолиятини рағбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда **"2016 йилнинг энг яхши ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаси"** танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим.

1. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ёки Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси номига эркин шаклдаги хат.

2. Ташкилот адлия идораларида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси.

3. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясига аъзолигини тасдиқловчи маълумотнома (ЎзННТМАга аъзо бўлган бўлса).

4. Ташкилотнинг ижтимоий аҳамиятга молик масалаларга оид амалий тажрибаси (Амалга оширилган лойиҳа ва амалга оширилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг электрон шаклдаги ҳисоботи).

5. Амалга оширилган лойиҳанинг ОАВда ёритилиши (Туман, вилоят, республика ва чет эл медиа воситаларида эълон қилинган мақолалар, телекўрсатувлар, веб-материаллар рўйхати ва нусхаси).

Тақдирлаш шакли:

биринчи ўринга – компьютер комплекти;
иккинчи ўринга – телевизор;
учинчи ўринга – фотоаппарат.

Шунингдек, турли йўналишлар бўйича рағбатлантирувчи дипломлар, сертификатлар ва қимматбаҳо мукофотлар топширилади.

Танловга ҳужжатлар 2016 йилнинг 23 декабрига қадар қабул қилинади.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар конвертда (А4 форматда) ёки электрон почта орқали қабул қилинади, ҳужжатлар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондига, қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим: Тошкент шаҳри, 100047, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй ёки uznntfond@umail.uz, uz.nntma@umail.uz upzero1992@yandex.ru электрон почтасига. Ҳужжатларни қабул қилишда муддатлар почта штемпелидаги жўнатиш санаси ёки электрон почтага келган санаси инобатга олинади. Тўғридан-тўғри топшириладиган ҳужжатлар Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди офисида шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 кегльда расмийлаштирилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.nntfond.uz ва www.ngo.uz сайти ёки +99871 233-52-41; 233-35-26; 233-24-92 телефон рақамлари орқали олиш мумкин.

Танлов ташкилий қўмитаси

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 декабрь** куни ҳаво ўзгариб тураги, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 13-15 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг йиғилиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9225
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4637 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 13.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ